

УДК 631.152.3

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Заидов Ислон Ибрагимжонович**

Наманган давлат университети таянч докторанти

***Аннотация.** Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида рақобат муносабатлари ва уларга таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Рақобатнинг бозордаги ўрни, аҳамияти таҳлил қилинган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида рақобат муносабатлари ва ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи жихатлари очиқ берилган.*

***Калим сўзлар.** Рақобат, рақобат муносабатлари, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори, ишлаб чиқариш.*

## WAYS TO INCREASE COMPETITIVENESS IN THE MARKET OF AGRICULTURAL PRODUCTS

**Zaidov Islam Ibragimjonovich**

Doctoral student of Namangan State University

***Abstract.** This article examines competitive relations and factors affecting them in the market of agricultural products. The role and importance of competition in the market is analyzed. Competitive relations in the market of agricultural products and aspects affecting production efficiency are disclosed.*

***Keywords.** Competition, competitive relations, agriculture, market of agricultural products, production.*

## ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ НА РЫНКЕ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ

**Заидов Ислам Ибрагимжонович**

Докторант Наманганского государственного университета

***Аннотация.** В данной статье рассматриваются конкурентные отношения и влияющие на них факторы на рынке сельскохозяйственной продукции. Анализируется роль и значение конкуренции на рынке. Раскрыты конкурентные отношения на рынке сельскохозяйственной продукции и аспекты, влияющие на эффективность производства.*

***Ключевые слова.** Конкуренция, конкурентные отношения, сельское хозяйство, рынок сельскохозяйственной продукции, производство.*

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш боғлиқ бўлган асосий муаммолардан бири ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражасини оширишдир. Бу кўрсаткич корхоналарнинг бозордаги муваффақиятли рақобатининг асосий шартидир. Бир томондан, рақобат бозор иқтисодиётини табиий тартибга солиш ва бозор шароитида фаолият юрита оладиган молиявий барқарор корхоналарни танлашнинг самарали механизми бўлиб кўринади. Бошқа томондан, рақобат юқори даромад олиш мақсадида маҳсулот сотиш бозорлари учун бир ҳил маҳсулот ишлаб чиқарувчи мустақил хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий курашини амалга оширилган шаклидир.<sup>1</sup>

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида рақобат муносабатларини такомиллаштириш учун қуйидаги омилларни келтиришимиз мумкин:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархининг эгилувчанлиги ва унга нисбатан талабнинг ўзгариши;
- инвестиция фаоллигининг пастлиги, натижада моддий-техника базаси янгиланишининг орқада қолиши;
- инфратузилма объектларини модернизация қилишга сарфланаётган молиявий ресурсларнинг етарли емаслиги;
- жаҳон амалиётидаги техник ва иқтисодий тенденцияларни етарлича ўзлаштиролмаслик.<sup>2</sup>

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида рақобатбардошликни таъминлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар ахамиятли хисобланади: малакали ишчи кучи, ресурслар ҳажми ва сифати, инфратузилма ва логистика салоҳияти, бозор талабининг ўзгарувчанлиги ва сегментацияси, замонавий технологияларни жорий қилиш имконияти, ташкилий технологиялар самарадорлиги, корпоратив бошқарувнинг ҳолати, рақобат муносабатларининг кескинлиги.


Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида рақобат муносабатларини шакллантириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва маҳаллий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. (*1-чизма*)

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг яроқсиз инфратузилмасини, нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ривожини тўхтатувчи омил, балки импорт қилинадиган маҳсулотларнинг рақобатдош

<sup>1</sup> Калининчева Е.Ю. Формирование рынка сельскохозяйственной продукции// Ж. Развитие АПК – М.: № 31 (166), 2010. – С. 37-43.

<sup>2</sup> Коваленко Н.Я., Агирбов Ю.И., Серова Н.А.и др. Экономика сельского хозяйства: Учебник для студентов высших учебных К56 заведений / - М.: ЮРКНИГА, 2004.-384 с.

устунликларини оширишга хизмат қилувчи омил сифатида ҳам кўриш мумкин. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида рақобатбардошликни таъминлашга нархларни эркинлаштириш ва ташқи савдода юзага келган, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган хомашё нархларининг ўзгариши таъсир кўрсатади. Худуддаги табиий-иқлим ва ресурс салоҳияти бўйича бир қатор қиёсий устунликлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида рақобатлашиш учун етарли эмас<sup>1</sup>.



***1-chizma.* Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида рақобатбардошликни ошириш шартлари<sup>2</sup>**

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг яроқсиз инфратузилмасини, нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ривожини тўхтатувчи омил, балки импорт қилинадиган маҳсулотларнинг рақобатдош устунликларини оширишга хизмат қилувчи омил сифатида ҳам кўриш мумкин. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида рақобатбардошликни таъминлашга нархларни эркинлаштириш ва ташқи савдода юзага келган, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган хомашё нархларининг ўзгариши таъсир кўрсатади. Худуддаги табиий-иқлим ва ресурс салоҳияти бўйича бир қатор қиёсий устунликлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида рақобатлашиш учун етарли эмас<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Трухачев В. И., Кусакина О. Н. Конкурентоспособность продовольственного подкомплекса //АПК: Экономика, управление. – 2011. – №. 4. – С. 21-24.

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

<sup>3</sup> Трухачев В. И., Кусакина О. Н. Конкурентоспособность продовольственного подкомплекса //АПК: Экономика, управление. – 2011. – №. 4. – С. 21-24.

Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бозор талабини қондириш учун четдан импорт қилинадиган хомашё ва ресурслардан фойдаланиши зарур. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг рақобатбардошлиги ва барқарорлиги ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг, озик-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асоси бўлиб, унинг фаолият кўрсатиш самарадорлиги давлат томонидан тартибга солишнинг тегишли механизмлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи аралашувлардан ҳимоя қилиш билан белгиланади. Зарур инфратузилма ва бошқа бир қатор омиллар ҳам жуда муҳим ҳисобланади.<sup>1</sup>

Умуман олганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоридаги томонларнинг хатти-ҳаракатлари ва уларнинг рақобатбардошлиги, кўп жиҳатдан бозор шароитларига боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг деярли барча сегментларида рақобатнинг кучайиши корхоналарнинг стратегик хатти-ҳаракатларига таъсир қилувчи асосий омил ҳисобланади. Шу билан бирга, ташқи иқтисодий салоҳиятни рўёбга чиқариш корхоналарнинг модернизация қилинган стратегик хатти-ҳаракатлари учун асосдир.<sup>2</sup> Юқоридаги қарашлар, йўналишлар ва омилларнинг барчаси, бу соҳадаги молиялаштириш манбаларига узвий боғлиқдир. (1-жадвал)

**1-жадвал. 2022 йилда қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалга оширилган инвестиция лойиҳалари тармоқлар кесимида<sup>3</sup>**

№	Тармоқлар номи	Лойиҳалар сони	Лойиҳа қиймати (млрд сўм)	Молиялаштириш манбалари				Яратилган иш ўринлари
				Ўз маблағлари (млрд сўм)	Банк кредити (млрд сўм)	Хорижий кредит линия (минг доллар)	Хорижий инвестиция (минг доллар)	
1	Мева-сабзавотчилик йўналиши	574	1 765	993	275	36 701	7 025	5 102
2	Озик-овқат йўналиши	337	2 099	1 159	513	47 634	5 000	5 222
3	Чорвачилик йўналиши	783	2 584	1 620	730	20 217	610	7 739
4	Бошқа қишлоқ хўжалиги соҳалари	162	790	589	235	1 651	1 569	4 858
<b>Жами:</b>		<b>1 856</b>	<b>7 237</b>	<b>4 291</b>	<b>1 752</b>	<b>106 203</b>	<b>14 204</b>	<b>22 921</b>

<sup>1</sup> Сечачева В. М. Риски, возникающие при реализации региональных целевых программ развития сельского хозяйства и регулирования агропродовольственных рынков, и способы управления ими // Сибирская финансовая школа. – 2014. – №. 3. – С. 27-34.

<sup>2</sup> Идигова Л. М., Энкашева З. И. Роль человеческих ресурсов в обеспечении конкурентоспособности организации // Современное инновационное общество: от стагнации к развитию: экономические, социальные, философские, политические, правовые, общенаучные закономерности. – 2017. – С. 50-52.

<sup>3</sup> <https://www.agro.uz/> сайт маълумотларидан фойдаланилган

Ушбу жадвалда 2022 йилда қишлоқ хўжалигида амалга оширилган инвестиция лойиҳаларининг молиялаштириш манбалари тармоқлар бўйича тақсимланган, бунда 2022-йилда жами 1,9 мингта лойиҳа амалга оширилган бўлиб, умумий қиймати 7 237 млрд сўмни ташкил этади.

Лойиҳалар қийматининг 60% яъни, 4 291 млрд сўм миқдорини корхоналар ўз маблағлари ҳисобига, 24%, 1 752 млрд сўм миқдорини банк кредити ҳисобига ва қолган 16%, 120,4 млн доллар миқдорини хорижий кредит линиялари ҳамда хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилган. Бу лойиҳаларнинг катта улуши корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилганини исботлайди.

Биламизки, қишлоқ хўжалиги табиий иқлим шароитларига боғлиқ соҳа ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги соҳаларига киритилган инвестициялар таваккалчилигини кескин оширади. Шу нуқтаи назардан ташқи кредит линиялари ва инвестицияларига қулай имкониятлар яратиш, имтиёзли банк кредитлари йўналишларини ва ҳажмини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида рақобат муносабатларини оширишнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш доирасида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги концептуал чора-тадбирларини белгилаш мақсадга мувофиқ:

- ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари фондларини яратиш бўйича давлат буюртмасини кенгайтириш;
- ёрдамчи ишлаб чиқариш воситаларини мустаҳкамлаш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги хомашёси ташқи савдосини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- тўғридан-тўғри ташқи ва ички инвестициялар ҳажмини ошириш;
- кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжга мослаштирилган молия институтлари тизимини яратиш;
- ишлаб чиқаришнинг инновацион усулларини жорий этиш билан биргаликда бозор инфратузилмаларини ҳам такомиллаштириш.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ: имтиёзли кредитлаш, лизинг механизминини такомиллаштириш, соҳада монополияга қарши сиёсат, ахборот ва консалтинг хизматларини ривожлантириш, шунингдек, бизнеснинг умумий тизимини такомиллаштириш лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Калиничева Е.Ю. Формирование рынка сельскохозяйственной продукции// Ж. Развитие АПК – М.: № 31 (166), 2010. – С. 37-43.
2. Коваленко Н.Я., Агирбов Ю.И., Серова Н.А.и др. Экономика сельского хозяйства: Учебник для студентов высших учебных К56 заведений / - М.: ЮРКНИГА, 2004.-384 с.
3. Трухачев В. И., Кусакина О. Н. Конкурентоспособность продовольственного подкомплекса //АПК: Экономика, управление. – 2011. – №. 4. – С. 21-24.
4. Секачева В. М. Риски, возникающие при реализации региональных целевых программ развития сельского хозяйства и регулирования агропродовольственных рынков, и способы управления ими //Сибирская финансовая школа. – 2014. – №. 3. – С. 27-34.
5. Идигова Л. М., Энкашева З. И. Роль человеческих ресурсов в обеспечении конкурентоспособности организации //Современное инновационное общество: от стагнации к развитию: экономические, социальные, философские, политические, правовые, общенаучные закономерности. – 2017. – С. 50-52.
6. Zaidov I. I. et al. ECONOMIC MODEL OF INVESTMENT ACTIVITY IN UZBEKISTAN AND PERSPECTIVE REFORMS FOR THE FUTURE //Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology. – 2019. – Т. 1. – №. 3. – С. 115-119.
7. <https://www.agro.uz/> сайт маълумотларидан фойдаланилган